Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети архиви
№ 45

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 119 (5410)
28 МАЙ 1984 й.
ДУШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЗАРБДОР МЕҲНАТИМИЗ — РЕСПУБЛИКА ЮБИЛЕЙИГА

ПОЙТАХТ ҚУРИЛИШЛАРИДА

МАРРА ЯҚИН

Қурилаётган объектлардан кечириб чиқиш бошқарма бошлиғи ҳамда коммунистлигини яширолмади.

— Ишлар чакки эмас, ўртоқ бригадир. Айниқса, ўтган йилдан-у шундай дея Мусаевнинг кўлини қисиб қўйди. —Бошқа бригадаларга нисбатан яхши ишлаяпсизлар. Энди марра яқин.

Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳозир 159-қурилиш трестига қарашли 8-қурилиш бошқармаси бошлиғининг гапида жон бор эди. Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институтининг ёнида тўққиз қаватли муҳташам бино қурилиши жадал суръатда олиб борилаяпти. Бу ерда мазкур олий ўқув юртининг илмий-практик лабораторияси жойлашади. Қурувчилар бу бинони республикамиз н и н г юбилейига қадар фойдаланишга топшириш учун қурашмоқдалар.

Аҳрор Мусаев бригадаси учун бу биринчи қурилиш объекти эмас. Мана ўттиз йилдирки, бригадирнинг ўзи қурилишда тер тўкяпти. Унинг ва у етакчилик қилаётган бригаданинг қўлидан қанчадан-қанча объектлар чиқмади, дейсиз...

Шу кунларда бу илғор бригада қурилишда иш суръатини кун сайин ошириб маррага яқинлашиб боряпти. Ҳеч шубҳа йўққи, мусаевчилар ўз сўзларининг устидан чиқишиб, шонли сана арафасида бу ажойиб бинони студентларга туҳфа этадилар.

С. ҚОДИРОВ.

ОСИЁ ВА АФРИКА ХАЛҚЛАРИ БИРДАМЛИГИ ТАШКИЛОТИНИНГ VI КОНГРЕССИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун, мустамлакачилик ва ирқчиликнинг сўнгги манбаларини тугатиш учун, империализмнинг Осиё ва Африка мамлакатлари мустақиллигига қилаётган агрессив ҳамлаларига қарши, янги мустамлакачиликка ва миллатлараро корпорацияларнинг талончилик сиёсатига қарши курашнинг энг зарур масалаларини кўриб чиқиш мақсадида озод Жазоир диёрида тўпланган Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилоти VI конгрессининг қатнашчиларини чин кўнгилдан табриклайман.

Сизларнинг анжуманингиз халқаро кескинлик кучайиб, ядро уруши хавфи пайдо бўлган вазиятда тўпланди. Бу жудга келган вазият учун Америка Қўшма Штатларининг ҳукмрон доиралари бевосита жавобгардирлар. Улар тарих ғилдирагини тескари буриб юборишга интилиб, қуролланишт пойгасини кучайтирмоқдалар, кўпгина мустақил мамлакатларга нисбатан давлат йўли билан террор ўтказмоқдалар. Империализмнинг Европадаги агрессив снёсати Осиё, Африка, Лотин Америкасидаги, Ҳинд океани ҳавзасидаги маҳаллий можароларни авж олдириш билан қўшилиб кетмоқда, космосни ҳарбийлаштириш хавфи кучаймоқда.

Озодликка эришган мамлакатлар, қўшилмаслик ҳаракати, Осиё ва Африканинг кенг жамоат кучлари, шу жумладан сизларнинг ташкилотингиз империалистик агрессия кучларига қарши, Яқин Шарқ, Африка жанубий, Марказий Америка проблемаларни тезроқ ва одилона бартараф этилиши учун, озодликка чиққан мамлакатлар олдида социал-иқтисодий тараққиёт соҳасида турган катта-катта вазифаларни ҳал этиш учун олиб бораётган кураш мана шундай шароитда янада муҳим аҳамият касб этади.

Совет Иттифоқининг ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг қатъий, принципиал снёсати империализмнинг телбанамо йўлига қарама-қарши бўлиб турибди. Улар илгари сурган реалистик ташаббуслар халқаро аҳволни тубдан соғломлаштиришга, халқларнинг озодлигини ҳимоя қилишга ва уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлашга, қуролланиш пойгасини жиловлашга, қирғинчилик келтирувчи ядро урушининг олдини олишга қаратилган. Бу куч-ғайратлар Осиё ва Африка халқларининг орзу-умидларига мос бўлиб тушишига ишончимиз комил.

Осиё ва Африка халқлари бирдамлиги ташкилотига ўзининг барча мамлакатлар кенг халқ оммаси манфаатларига мос бўлиб тушадиган олижаноб вазифаларини амалга оширишда янгидан янги муваффақиятлар тилайман.

К. ЧЕРНЕНКО.

«ОҚШОМ» ДЕБ АТАЛДИ

«Тошкентпиво» ишлаб чиқариш бирлашмасида «Оқшом» ичимлигини тайёрлаш ўзлаштирилди. Унда ялпиз ва бошқа гиёҳлар ҳиди бор. «СредАЗНИИКипишчеп р о м» институтининг мутахассислари ишлаб чиққан янги рецепт составига шу гиёҳлар кирди. Ёзда Ўзбекистон аҳолиси 30 минг декалитр янги ичимлик олади.

Ўзбекистон озиқ-овқат саноати ходимлари ўтган беш йилликда салқин ичимликлар тайёрлаш учун маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш йўлига ўтдилар. «Райҳон» ичимлиги шу соҳада қўйилган биринчи қадам бўлди. Бу ичимлик тезда оммалашди. Ҳозир эса ичимликларнинг қарийб ярми маҳаллий ўт-ўланлардан тайёрланмоқда. Шу йилнинг ўзидагина бундай ичимликлар хили икки баравар кўпаяди.

Ишнинг янги соҳаси махсус хом ашё базаси яратишни тақозо этди. Бу база Наманган пиво-алкоголсиз ичимликлар комбинатида бўлиб, бу ерда шарбат тайёрлаш цехи ташкил этилган. Республика Қишлоқ хўжалиги министрлигининг бригадалари озиқ-овқат саноати ходимлари билан тузилган шартномага биноан тоғ ёнбағирларида турли ўт-ўланлар тайёрлайдилар. «Минплодоовощхоз» хом ашё етказиб берувчи бошқа бир муҳим манба бўлиб қолди. Унинг хўжаликларида райҳон кореандр ўстирилмоқда.

Янги салқин ичимликларнинг рецептлари ишлаб чиқилди. Булар орасида «Орзу» ичимлиги узум шарбатидан, «Ўзбекистон» ичимлиги эса ялпиз экстрактидан ишланади.

Э. ШАЛЬ,
(ЎзТАГ мухбири).

• ТОШКЕНТ—ЖАҲОНГА

ГРЕЦИЯДАН БУЮРТМА

Яқинда «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмасининг машинасозлик заводига Грециядан буюртма тушганди.

БУГУН

завод коллективи ана шу буюртмани бажаришга киришди. Ишга охиригача ушбу мамлакатга шаҳримиздаги корхона маркаси туширилган 200 минг сўмлик маҳсулот етказиб берилади. Машинасозлар биринчи квартал давомида Болгария, Ангола сингари мамлакатларга 118 минг сўмликдан ортиқ сифатли маҳсулот жўнатишганди.

Айни пайтда бу ерда Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 60 йиллигига бағишланган зарбдор ҳаракат қизғин давом этмоқда. Социалистик мусобақада корхонанинг 4-механика-йигув цехи коллективи пешқадамлик қилмоқда.

• Идеология ишлари кундалиги

ЮКСАК АКТИВЛИК РУҲИДА

КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини коллектив ўртасида кенг тушунтиришга «Таштекстильмаш» заводи партия ташкилоти катта эътибор бермоқда. Кўпчилик коммунистлар бунда фаол иштирок этишяпти. Масалан, Сергей Ладошкин тажрибали сиёсий ахборотчидир. У ёшлар билан ғоятда қизиқарли суҳбатлар ўтказмоқда.

Бу ерда умумтаълим мактабларидан ёки ҳунар-техника билим юртларидан келган ёш ишчиларга айниқса катта эътибор бериляпти. Апрель Пленуми қарорларини изчил амалга ошира бориб, корхона коммунистлари бу ёш ишчиларга яқиндан ёрдам бермоқдалар. Ус-куналарни ремонт қилишда, янги асбоблардан яхшироқ фойдаланишда, рационализаторлик таклифларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда кўмаклашмоқдалар. Коммунистлар активлиги туфайли кўпгина участкаларда ишлаб чиқариш топшириқлари муваффақиятли адо этиляпти, маҳсулот сифати тобора яхшиланиб бормоқда.

КОЛЛЕКТИВ ТАРБИЯСИ

Корхонада коллектив мураббийчилик ҳаракати тобора кенг ёйилиб боряпти. Корхона партия комитети ёшларнинг фақат касб маҳоратини оширишгагина эътибор бериб қолмай, балки уларда шахсий аҳлоқий фазилатларни шакллантиришга ҳам муҳим аҳамият бермоқда. Масалан, бригадада ёш ишчи фақат ўз иши учунгина эмас, бутун коллектив иши учун ҳам масъулиятни ҳис этади. Масалан, темирчилик-пресслаш цехининг Ф. Каримов бошлик слесарь-йиғувчилар бригадасини олайлик. Бу ерда 34 киши ягона наряд бўйича ишлайди. Бригада коммунистлари Л. Рожин, М. Ляхович тажрибали мураббийлардан ҳисобланишади. Ёш ишчилардан М. Содиқов, Б. Ҳайдаров, Н. Поздняков, И. Холов ва бошқалар коллектив тарбияси туфайли энг яхши ишчилар сафидан жой олишди.

ЧЕГАРАЧИЛАРГА ҚУТЛОВЛАР

СССР Давлат хавфсизлиги комитети чегара қўшинларининг 66 йиллиги арафасида Қизил Байроқ орденли Шарқий чегара округининг шахсий состави турмушида шонли воқеа рўй берди. КПСС Марказий Комитетининг Бош котиби, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ К. У. Черненко округнинг, жумладан Термиз чегара отряди ва Хоргос чегара заставасининг командонликлари, барча жангчиларини чегарачилар куни билан самимий табриклади.

30-йилларда жанубий-шарқий чегарада Ватан душманларига қарши курашда актив қатнашган Коммунистик партия биринчи Совет давлатининг раҳбарлари чегарачиларнинг фикр-ўйлари ва ишларини яхши билар ва тушунади. Шу ерда «Хоргос» чегара заставасида ўзининг қарбий хизмати ўтган ва партиявий таржимаи ҳоли бошланган эди.

Ўртоқ К. У. Черненко ўз табрик хатларида кескин тус олган халқаро вазият шароитида Коммунистик партия чегара қўшинлари олдига Ватанимиз чегараларининг ҳимоясини кучайтириш вазифасини қўйганини уқтириб ўтган эди. У чегарачиларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва янги-янги муваффақиятлар тилади.

Округнинг шахсий состави номидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ташаккур ва йўл-йўриқларини партиянинг совет чегараларини мустаҳкамлиги тўғрисидаги тинимсиз ғамхўрлигининг янги ифодаси деб, СССРнинг «СССР Давлат чегараси тўғрисида»ги Қонунида чегара қўшинлари зиммасига юклатилган вазифаларни ҳал этиш соҳасидаги ўз фаолиятининг жанговар программаси, деб қабул этди.

КПСС раҳбари ва давлатимиз бошлиғининг қутловлари ҳар бир чегарачининг ижодий куч-ғайратларини жўш урдириб юборди, жонажон Коммунистик партияга фарзандларча ташаккур ва миннатдорчилик юксак туйғуларини кучайтирди. КПССнинг раҳбарлиги — чегара қўшинларининг куч-қувват манбаидир, уларнинг улуғ Ватанимиз чегараларини қўриқлаш ва ҳимоя қилишдаги муваффақиятлари асосларининг асосидир.

Партиянинг Совет давлати хавфсизлиги тўғрисидаги эътибори ва ғамхўрлигидан руҳланган округ жангчилари, чегара қўшинларининг бутун шахсий состави СССР Давлат чегарасининг муҳофазаси пишиқлигини ошириш устида янада сабот билан меҳнат қилмоқдалар, профессионал маҳоратни кун сайин оширмоқдалар, ҳушёрликни кучайтирмоқдалар, жанговар шайлик, уюшқоқлик ва тартибни юксак даражада сақламоқдалар. Буни улар партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети шундан кейинги Пленумлари тарихий қарорларини амалга ошириш соҳасидаги ўз фаолиятининг бош мақсади ва мазмуни, деб биладилар.

(ТАСС).

ҚЎЛ МЕҲНАТИНИ МЕХАНИЗАЦИЯЛАШТИРАЙЛИК

25 май куни Тошкентда ўтиб ўтган республика кенгашида халқ хўжалигида қўл меҳнатини янада механизациялаштириш соҳасида Ўзбекистон хўжалик ва касаба союз органларининг вазифалари кўриб чиқилди. Кенгашда Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети билан Ўзбекистон ССР Давлат давлат комитети ўтказган.

Кейинги икки йил мобайнида турли корхоналарда минглаб кўтариш-транспорт механизмлари, конвейер линиялари, автомат ва ярим автоматлар, кўлгина робот ва манипуляторлар жорий этилганлиги қайд этилди. Бу эса қўл меҳнатида банд бўлган кишиларни анча камайтириш имконини берди.

Вироқ кенгашда таъкидлаб ўтилганидек, республикада меҳнатни механизациялаштириш суръатлари ҳали ҳам паст бўлиб қолмоқда, қўл меҳнатини машина меҳнати билан алмаштириш суст амалга оширилмоқда.

Кенгашда ишлаб чиқариш самарадорлигини янада оширишни ва унумли меҳнат учун шарт-шароитларни вужудга келтиришни кўзда тутувчи тавсиялар қабул қилинди.

(ЎзТАГ).

АКТУАЛ МАВЗУДА

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар Комитети ҳузуридаги партия-хўжалик активи мактабининг навбатдаги машғулоти бўлди.

СССР Фан ва техника давлат комитети ва СССР Фанлар академияси системасидаги тадқиқотлар Бутуниттифоқ илмий-тадқиқот институти лабораториясининг раҳбари В. Н. Герасимович «Бутун хўжалик механизмининг соз ва узлуксиз ишлаши — ривожланган социализмни такомиллаштириш умумий жараёнининг таркибий қисмидир» деган мавзуда лекция ўқиди.

(ЎзТАГ).

СССР Олий Совети Президиумининг Фармони

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ АКАДЕМИГИ К. Е. ЖИТОВНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йиллик самарали илмий-педагогик фаолияти, партия ва совет кадрларини тайёрлашдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан Тошкент Олий партия мактабининг профессори Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Константин Евлампиевич Житов Халқлар Дўстлиги ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Советн Президиумининг Раиси
К. ЧЕРНЕНКО.
СССР Олий Советн Президиумининг Секретари
Т. МЕНТЕШАШВИЛИ.

Москва, Кремль 1984 йил 25 май.

ТИНЧЛИК ВА ТАРАҚҚИЁТ ЭКРАНИ


ОСИЁ, АФРИКА ВА ЛОТИН АМЕРИКАСИ МАМЛАКАТЛАРИ КИНОФЕСТИВАЛИ Тошкент-84

Сўз—кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига

ЭЪТИҚОДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Г. ГЕОРГИЕВ,

«Интерфильм» агентлигининг халқаро алоқалар бўлими редактори. Болгария.



— Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари VIII Халқаро кинофестивали қатнашчилари учун Тошкентдаги ижодий учрашувлар алоҳида аҳамиятга эга. Биз бу ерда тараққийпарвар экран усталари бугунги кунда эришаётган ютуқларни сарҳисоб қиламиз, кино санъати олдида турган набватдаги вазифаларни белгилаб оламиз. Айни пайтда прогрессив оқимдаги кинематографчиларнинг ижодий услубларида қандай етакчи тенденциялар вужудга келаётганлиги, уларнинг халқ ҳаётини ҳаққоний тасвирлашда қандай имкониятлар бераётганлигини муҳокама қиламиз. Бу жиҳатдан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненконинг фестиваль қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табриги катта аҳамиятга эга бўлди. Унда **«Кино санъати ядро уруши хавфига қарши, инсониятнинг бахтиёр ва порлоқ келажаги учун курашда планетадаги прогрессив кучларни бирлаштиришга бундан буён ҳам хизмат қилаверсин!»** деб таъкидланган. Бу сўзлар ўз санъатини тинчлик ва халқлар озодлиги, ижтимоий тараққиётга сафарбар этаётган ҳар бир экран устасининг ижодида алоҳида ўрин тутиши керак.

Биз Болгария кинематографчилари Халқаро анжуманда меҳмон сифатида иштирок этиб, «Совэкспортфильм» Бутуниттифоқ бирлашмаси томонидан ташкил этилган кино бозорига ўз картиналаримизни тавсия этдик. Айни пайтда Тошкентдаги бир қатор маданий тадбирларда, Африка озодлиги кунига бағишлаб ўтказилган шаҳар жамоатчилиги вакилларининг йиғилишида қатнашдик. Ўзбекистон пойтахтининг диққатга сазовор жойларини, қадимий Самарқанднинг меъморчилик обидаларини томоша қилдик. Ўзбекистон билан танишув бизга катта илҳом бермоқда. Янги лентала-римизнинг ғоявий йўналишларини шу ерда белгилаб оламиз. Қардош мамлакатларнинг экран усталари, шу жумладан, совет кинематографчил а р и билан ижодий ҳамкорлигимизни бундан буён ҳам янада ривожлантириш ниятидамиз. Бунда бизга Тошкентдаги ижодий учрашувдаги олган таассуротларимиз катта ёрдам беради.



ДЎСТЛИК ҲАММА НАРСАДАН АЗИЗ

Д. МЕНДЕБАЯР,

Монголия Халқ Республикасида хизмат кўрсатган артист.

— Мен Москва халқаро кинофестивалида қатнашганман. Ўшанда бўлган ҳаяжонли учрашувлар ҳамон кўз ўнгимда туриби. Биз кўпгина фильмларни томоша қилдик. Матбуот конференцияларида қатнашдик. Мана энди эса яна бир катта кино байрами— Тошкент халқаро анжуманида биринчи марта қатнашиш шарафига муяссар бўлдим. Сизнинг замонавий, XX асрга хос шаҳрингиз чиндан ҳам уч қитъа экрани усталари учун бағрини кенг очган. Бундай самимий дўстона учрашувлар албатта кишини ижодий ҳамкорликка илҳомлантиради.

Кўпмиллатли совет киносининг тажрибаси Монголияда кино санъатини ривожлантиришда жуда катта таъсир кўрсатди.

Биз Монголия кино санъати ижодкорлари ленталарда бугунги куннинг проблемалари ҳақида, тинчлик ҳақида фикр юритаётирмиз. Бундай тинчлик шарофати билан бебаҳо дўстликка эришилади. Дўстлик ҳамма нарсадан азиз. Уни мустаҳкамлаш ҳар бир тараққийпарвар кинематографистн и н г муқаддас бурчидир.



ҚАҲРАМОНЛИК МАВЗУСИ

Фальчн КАРЛОС АЛЬБЕРТО,

Аргентина миллий кино институтининг адвокати.

— Менинг Тошкент Халқаро фестивалига биринчи марта келишим. Бу муаззам шаҳар ва унинг ажойиб кишилари мени табассум ва меҳмоннавозлик билан кутиб олди. Аргентина мамлакати бу кино кўриги учун тўққизта фильм тавсия этмоқда. Шундан иккитаси ҳужжатли лентадир.

Бадиий фильмларимиздан бири машҳур совет ёзувчиси Константин Симоновнинг асари асосида ишланган бўлиб, у ўша машҳур шеърнинг номи «Мени кутгил» деб аталади.

Фестивалнинг «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори биз учун ғоятда азиздир. Бундай маданий асарларни алмашиш, бир-бирининг ютуқларидан баҳра олиш мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги муносабатларни яхшилашда энг қулай воситалардан бири бўлиб қолади.

Халқаро кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари кино байрами программасидаги бир қатор тадбирларда иштирок этишяпти. Улар бугун Ўзбекистон чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш республика жамиятида Тинчликни ҳимоя қилиш Комитети, Осиё, Африка мамлакатлари Бирдамлиги Комитети, шунингдек Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари билан алоқалар Комитети актвилари билан учрашдилар. Учрашув халқлар ўртасидаги дўстлик ва қардошликни мустаҳкамлашга, адабиёт, санъат ва кино соҳасидаги ҳамкорликни кенгайтиришга бағишландн.

Кунниинг иккинчи ярмида фестиваль қатнашчилари халқаро анжуман экранига тавсия этилган фильмлар билан танишдилар, республика Кинематографчилар уйида иш олиб бораётган кино бозоридаги тадбирларда иштирок этадилар.

VIII ФЕСТИВАЛЬ КУНДАЛИГИ

ЭРТАГА

Киночилар уйида «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун курашда кинонинг роли» деган мавзуда кинофестиваль қатнашчилари иштирокида ижодий мунозара бошланади. Кечқурун фестиваль иштирокчиларн Ўзбекистон ССР Театр жамиятида республика саҳна усталари билан учрашадилар.





БИЗ—ДЎСТЛИК ШАҲРИДАМИЗ

Тинчлик ва дўстлик шаҳри Тошкент шу кунларда айниқса гавжум Жаҳоннинг турли мамлакатларидан Халқаро кинофестивалга ташриф буюрган кинематографчилар ав анжуман меҳмонлари ўз тажрибаларини ўртоқлашмоқдалар, ўзларини ҳаяжонлантираётган проблемалар юзасидан фикр алмашмоқдалар.

Улар Ўзбекистон пойтахти ва республикамизнинг бошқа областларида бўлган вақтларида жуда кўп янгиликлардан хабардор бўладилар, дўст орттирадилар. Энг муҳими, «Тинчлик, социал тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида ўтаётган киноанжуман ҳақида бой таассуротлар ҳосил қиладилар.

СУРАТЛАРДА: кинофестиваль қатнашчилари ва меҳмонлари Тошкент билан танишмоқдалар.

Т. Каримов фотолари.



ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Бугун Тошкентда:

Экспериментал ишлаб чиқариш автомобиль корхонасининг клубида шаҳар партия комитети қошидаги автомобиль транспорти ва алоқаси иши самарадорлигини ошириш бўйича секциянинг бўлиб ўтган илмий-техника конференциясида шу соҳанинг бир қатор муҳим масалалари муҳокама қилинди.

●

Подшипниклар ремонти заводининг прессловчиси Галина Феоктистова ярим йиллик топшириқни бажарди. Илғор ишчи шаҳримизнинг тўққиз илғор ишчиси бошлаб берган ташаббусни қўллаб-қувватлади ва республика юбилейи шарафига меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини камайтириш беш йиллик топшириғини бажаришга аҳд қилган.

●

Тошкент қоғоз фабрикасида ўрнатилган янги поток линия йил бошидан буён ишлаб чиқарган катта дафтарлар ўн миллион донадан ошиб кетди. Ў бир йилда 23 миллион дона дафтар ишлаб чиқаришга мўлжалланган.

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 28 даражa иссиқ бўлди. Шу кеча-кундузда ҳаво бироз булутли бўлса-да, ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 18—23, кундузи 30—35 даражa иссиқ бўлади.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

«Капитал қурилишни планлаштириш, уни ташкил этиш ва бошқаришни яхшилаш тўғрисида» қарор қабул қилдилар. Мазкур қарорнинг баёни кечаги тонгги газеталарда эълон қилинган.


ФАН ТАРАҚҚИЁТИ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ САМАРАДОРЛИГИ

● МАМЛАКАТНИНГ 30 ИЛМИЙ ТАШКИЛОТИ БИЛАН АЛОҚАДА | ● ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАРНИНГ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИНИ ТЕЗЛАШТИРАЙЛИК | ● ПАХТАНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАРИГА — ЙЎЛ

КПСС Марказий Комитетининг ноябрь (1982 йил), июнь ва декабрь (1983 йил), апрель (1984 йил) Пленумларида илгари сурилган меҳнат унумдорлигини ошириш, ресурсларнинг барча турларини тежаш масалаларини мамлакатимизнинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб, бу илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш, экономиканн ўстириш суръатларига фаннинг таъсирн, самарадорлигини ошириш билан узвий боғлиқдир.

Олимларимиз ишлаб чиқариш билан узвий ҳамкорликда кўпгина кашфиёт ва ихтироларн билан мамлакатимиз бойлигига муносиб ҳисса қўшдилар. Шу билан бирга барча тадқиқот ташкилотларн ҳам уларга яратиб берилган ижодий имкониятлардан тўла-тўкис фойдаланишяпти, уларнинг ҳаммаси ҳам техника тараққиётининг истиқболи билан боғлиқ бўлган вазифаларни уддалашяпти, деб бўлмайди. Бугунги кунда уларнинг вазифаси халқ хўжалигининг барча тармоқларида техника ва технологияни қатъий такомиллаштириб бориш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини янада оширишдан иборатдир.

Тошкент шаҳар партия комитетн пропаганда ва агитация бўлимн, «Билим» жамиятн шаҳар ташкилотининг правленнеси ташкил этган «Раҳбар минбарн» доимий ишловчн туркумнинг навбатдагн машғулоти «Ижтимоий меҳнатнинг юксак самарадорлиги, илмий-техника тараққиётн ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш учун» мавзунга бағишланди. Унда «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси, «СССР 50 йиллиги номидагн Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, ўсимликлар эксперименталь биологияси институтининг раҳбарлари В. Қобулов, И. Мусин ва Ж. Мусаевлар қатнашдилар. Бугун биз уларнинг партия комитетлари лекторлари, шаҳар «Билим» жамиятн ва идеология актнви билан учрашув чоғида берилган саволларга жавобларни ёритяпмиз.



Лабораториялардан-завод цехларига

В. ҚОБУЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги.

— Мамлакат экономикасини ривожлантиришда фаннинг роли тобора ошиб бораётгани муносабати билан бирлашмангиз қандай вазифаларни ҳал этмоқда?

— Бугунги кунда «Фан— лойиҳа —ишлаб чиқариш» доираси бўйлаб янги фикрлар тезроқ амалга ошишига тўла ёрдам берадиган шарт-шароит яратиб бериш хўжалик механизмини такомиллаштиришнинг мезони ҳисобланади. Илмий коллективларнинг ишлаб чиқариш билан ўзаро алоқасининг йўл ва формалари ҳар хилдир. Масалан, ижодий ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузиш, биргаликда мукобил план ва социалистик мажбуриятлар қабул қилиш, узоқ муддатга мўлжалланган комплекс илмий-техника программаларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш шулар жумласидандир.

Бирлашмамизда фаннинг ишлаб чиқариш билан тўғридан-тўғри ҳамкорлик қилишини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш комплекслари яратилди. Бу комплекслар кибернетика институтининг илмий лабораторияларини конструкторлик бюроларининг турдош бўлимлари, тажриба-экспериментальэ заводларининг участкалари, илмий ишлар жорий этиладиган корхоналар ва илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар комплекс план-программаси бўйича ишлаётганлар куч-ғайратини бирлаштирмоқда.

Улар автоматик бошқариш системасини, янги ҳисоблаш техникаси намуналарини ишлаб чиқиш ва жорий этиш бўйича бош ташкилот ролини бажармоқдалар, ҳисоблаш техника марказлари коллективлари ва ишлаб чиқаришнинг инженер-техник ходимларини, шунингдек, кибернетика соҳасидаги кафедра ва факультетларнинг ходимларини эса бошқаришни такомиллаштириш ва автоматик бошқариш системасини яратишнинг конкрет проблемаларини ҳал этишга жалб этмоқда.

— Шундай ҳамкорлик ҳақида мисоллар келтиролмайсизми?

— Масалан, В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», трактор заводлари, «Узбекхлопкомаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида уч лаборатория ва икки бўлимдан иборат «Машинасозлик» комплекси ҳамкорликда иш олиб боряпти. Шунингдек, Украина ва Белоруссия кибернетика институтлари, Бауман номидаги Москва олий техника билим юрти, ТошПИ ва бошқа институтлар билан узвий алоқа ўрнатганмиз.

— Бирлашмангиз олимлари «Пахта» комплекс программасини амалга оширишда қатнашаётгани ҳақида кўп ўқиганмиз. Ҳозир бу программани амалга ошириш ишлари қандай боряпти?

— Бирлашмамизда СоюзНИХИ маълумотлари бўйича пахта ўсимлигининг ривожланиш модели яратилди. Сурхондарё областида яна бир модель синаб кўрилди. Кўқон группасида эса эррозия модели ишлаб турибди. Бизда ҳосилдорликни бошқариш қурилмали лабораторияси ташкил этилган. Ҳозир биз ўзимиз кичик майдонга пахта экканмиз. Унинг натижасига қараб ҳисоб-китоб қилиб чиқамиз ва пахта ўсимлиги моделини яратамиз. Ҳосилдорликни бошқаришнинг ишлаб чиқариш варианти бу йил САНИИР совхозида тажриба қилиб кўрилади. Бундан ташқари биз пахта тозалаш ва тўқимачилик ишлаб чиқаришининг технологик жараёнларини автоматик бошқариш системаси соҳасида иш олиб боряпмиз. Жумладан, Фарғонада йигиришни бошқариш системаси жорий этилди.

— Кичикроқ заводлар учун автоматик бошқариш системаси лойиҳалари борми? Уларда буни қўллаш мақсадга мувофиқми?

— Албатта. Уларни икки ҳолда қўллаш мақсадга мувофиқ. Агар шу заводнинг илмий техника тараққиёти истиқболи катта бўлса, кейин бу иш яхши самара берса.

— Сизлар ижодий алоқа боғлаган Тошкент саноат корхоналарини айтиб беролмайсизми?

— Тошкент трактор заводи билан узвий алоқада иш олиб боряпмиз. Юклаш-тушириш ишларини, омбор хўжалигини автоматлаштириш, роботлаштиришда қатнашяпмиз. «Ташсельмаш» заводида пахта териш машиналарини синаш учун стенд ташкил этдик. Бу йўналишдаги ишни давом эттиряпмиз. «Миконд» заводи билан эса роботлаштириш бўйича иш олиб боряпмиз. Янги ташкил этилган заводлардан бирида комплекс автоматлашган система яратиш бўйича иш олиб боряпмиз.

— Бирлашмангизда медицина приборсозлиги яратиляпти деб эшитдик. Тўғрими?

— Ҳа, олимларимиз бу проблемалар билан ҳам шуғулланишяпти. Инсон органларининг ишлашини моделлаштиряпмиз. Юрак-қон томир системаси модели яратилди. Диагностика проблемаси ҳал этиляпти. Сунъий клапанлар моделини яратиш устида иш олиб бориляпти. Қанд диабети касаллиги билан оғриган беморлар организмига микропроцессор приборлар асосида автоматлашган режимда инсулин бериш тадқиқотлари олиб бориляпти. Бу ишларнинг ҳаммасини биз Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги билан ҳамкорликда қиляпмиз. 15-шаҳар клиник касалхонаси медиклари билан ҳамкорликда атрофия билан шикастланган мушакларни даволаш аппаратураси яратиляпти. Электроэнцефалограм анализ қилиш аппаратураси яратилди ва муваффақиятли ишлаб турибди. Ҳозир бизда яратилган қон таркибини хроматографик анализ қилиш приборини қўллаш масаласини ҳал этяпмиз. Келгуси режамизда бевосита бирлашманинг ўзида автоматлаштирилган поликлиника ташкил этмоқчимиз.

— Кибернетика педагогика ва медицинага ўхшаб оммалашиб, зарур соҳага айланадими?

— Улардан ҳам зарурроқ бўлиб кетади чамаси. У ҳар бир уйда иш қуролига айланиб қолади. Академик А. Александров ўзининг кейинги нутқларидан бирида кибернетиканинг зарурлиги ҳақида гапириб, биз жуда кўп соҳаларда, илмий тадқиқотлардан бошлаб барча хизмат кўрсатиш, медицина соҳаларида, ҳатто маиший турмушимизни такомиллаштириш, ҳар куни ҳар биримиз тўқнаш келаётган кўпчилик муаммоларни ҳал этишни енгиллаштиришда автоматлаштиришни ривожлантиришимиз ва электрон-ҳисоблаш техникасини ва информатикани кенгроқ қўллашимиз зарурлигини таъкидлаб ўтган эди.

Ҳозир ишлаб чиқаришни роботлаштиришга қатъий эътибор бериляпти. Бу масалада юқори даражага эришгандан сўнг кибернетика олдида сунъий интеллект аппаратуралари яратиш энг йирик проблемалардан бири бўлиб қолади.

Биз мунтасил изланиб, фаннинг янада истиқболли йўналишлари бўйича иш олиб бориб, ўн биринчи беш йилликда илмий ва лойиҳа-конструкторлик ишларини халқ хўжалигига жорий этиш борасида катта иқтисодий самара олишга эришишга интиляпмиз

«ҲОЗИР ПАРТИЯ БИЛАН ХАЛҚ МИСЛСИЗ МИҚЁСЛАРДАГИ ВАЗИФАЛАРНИ ҲАЛ ЭТМОҚДАЛАР. БИЗ ЖУДА КАТТА КОМПЛЕКС СОЦИАЛ-ИҚТИСОДИЙ ПРОГРАММАЛАРНИ, ШУ ЖУМЛАДАН ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЭНЕРГЕТИКА ПРОГРАММАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРЯПМИЗ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ ИНТЕНСИВЛАШГА, ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРИШГА ҲАРАКАТ ҚИЛЯПМИЗ, ЁПОЁН РЕГИОНЛАРНИНГ ҚИЁФАСИНИ ЎЗГАРТИРЯПМИЗ. БИЗ ЭКОНОМИКАМИЗНИНГ, ФАН ВА МАДАНИЯТИМИЗНИНГ УЛКАН ИМКОНИЯТЛАРИДАН, ТАБИИЙ РЕСУРСЛАРИМИЗДАН МУМКИН ҚАДАР ТЎЛИҚРОҚ ВА САМАРАЛИРОҚ ФОЙДАЛАНИШ УЧУН САБОТ БИЛАН КУРАШЯПМИЗ».

(К. У. Черненконинг КПСС Марказий Комитетн июнь (1983 йил) Пленумидагн докладидан).




Беш йиллик планларига биноан

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг олимлари муҳим фан-техника муаммоларини ҳал этишга салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Олимларнинг назарий тадқиқотлари янги методларни, янги материаллар, конструкциялар, технологик жараёнларни, пахтанинг янги навларини яратишда жорий этиляпти. Институтларнинг ишлаб чиқариш билан ижодий алоқаси шунга ёрдам бераяпти. «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи қишлоқ хўжалик техникасини такомиллаштиришда катта ишларни амалга оширяпти.

СУРАТЛАРДА: «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси конструктори Ҳасан Раҳимов ва инженер конструктор Александр Хаврнинн манипулятор узелнин созлашяпти; ўсимликларнинг экспериментал биологияси институти лабораторня мудирн, ВАСХНИЛ мухбир аъзоси Н. Назиров ва лаборант Ш. Мадёрова; «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёр маҳсулот ортиб жўнатилняпти.

М. Нуриддинов ва А. Плеханов фотоси.



Ҳамдўстлик самараси

И. МУСИН,
«СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директори.

— «СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси Ўрта Осиёдаги пахтачиликка мўлжалланган тракторлар ва пахтани қоп-қанорсиз ташийдиган прицеплар ишлаб чиқаришга ихтисослашган йирик машинасозлик корхоналаридан биридир. Унинг маҳсулотлари барча пахтакор республикаларда, Осиё, Африка ва Лотин Америкасининг кўпгина мамлакатларида яхши маълум. Сизлар бу муваффақиятларга қандай эришаяпсизлар?

— Бирлашмамиз 40 йиллик тарихга, уюшган коллективга ва замонавий мураккаб қишлоқ хўжалик техникаси ишлаб чиқаришга қодир бўлган, техник жиҳозланган ишлаб чиқаришга эга.

Завод цехларида юзга яқин автоматлашган ва поток механизациялашган линия, мингдан ортиқ автомат, ярим автомат, агрегат ва махсус станоклар ўрнатилган. Манипуляторлар ва саноат роботлари бўлган комплекс механизациялашган участка ташкил этилди, ишлаб чиқаришни механизациялаш ва автоматлаштириш ўртача даражаси ҳозирги пайтда асосий ишлаб чиқариш цехларида 80 процентдан кўпроқни ташкил этади.

Бизнинг муваффақиятларимиз коллективнинг чўнг меҳнати ва ишлаб чиқаришни замонавий асосда, илмий йўсинда тубдан қайта ташкил этиш натижасидир.

Мана беш йилдирки, бирлашмада узлуксиз оператив ишлаб чиқаришни планлаштириш системаси (НОПП системаси) мавжуд. У ишлаб чиқаришни бошқаришнинг асосий ричагидир. Унинг жорий этилиши, товар маҳсулот ишлаб чиқариш суръатини яхшилади, тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми ва комплектлашувини кескин кўтарди, умуман ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига ижодий таъсир кўрсатди.

Агар асосий ишлаб чиқариш цехларида НОПП системаси жорий этилгунга қадар тугалланмаган ишлаб чиқариш ҳажми нормативга нисбатан атиги 41 процентни ташкил этган бўлса, 1984 йилнинг биринчи январида 95 процентни ташкил этиб, 2,3 баравар ўсди. Бунда нормадан ортиқча ишлаб чиқариш заслари 5,5 миллион сўмга камайди.

НОПП—ТЗЗ системаси материал етказиб беришдан тортиб, тайёр маҳсулотни ортиб жўнатишгача бўлган бутун ишлаб чиқариш жараёнини қамраб олди.

— Системани жорий этишда қандай технологик ва ташкилий проблемалар ҳал этилди?

— Ишлаб чиқаришни бошқариш эҳтиёжлари учун ахборотларни автоматлашган йиғув, қайта ишлов ва узатиш системаси ишлаб чиқилди ва жорий этилди. Бундан ташқари материаллар ва комплектловчи деталларни марказлашган усулда келтириш йўлга қўйилди: торози маркази ташкил этилди, цехлар қайта жиҳозланди ва қисман реконструкция қилинди...

— Заводда қачон электр ҳисоблаш машиналарини жорий этиш бошланди?

— Биз электр ҳисоблаш машиналарини жорий этиш бўйича 1980 йилда дастлабки қадамларни қўйгандик. Ҳозир эса АСУ—ТТЗ доирасида фақат оператив бошқарув кичик системасида ЭҲМ 32 та вазифани ҳал этаяпти. Бугунги кунда ҳисоблаш маркази 52 хил машинограмм беради, шундан 23 хилини ҳар куни беради. Бошқа хилларининг даврийлиги — 10 кун, бир ой, бир квартал ва иборат.

Иш куни бошланишида бригадирлар, мастерлар, цех бошлиқлари, цехларнинг ишлаб чиқариш-диспетчерлик бюролари ходимлари, ишлаб чиқариш-диспетчерлик бўлимлари, омборлар, ишлаб чиқариш раҳбарлари иш жойига машинограмм қолида сараланган ахборотлар келади. Булар бошқарув бўйича зарур ва етарли қарорлар қабул қилиш, ишлаб чиқаришнинг боришини бошқариш ва ҳисоб-китобни йўлга қўйиш учун етарли.

Бундан ташқари коллективни илмий-техник ва социал-иқтисодий ривожлантириш комплекс планини назорат қилиш ҳам ЭҲМ зиммасига юклатилган. Корхонада янги буюмлар ишлаб чиқаришга тайёргарлик, бир қатор технологик вазифаларни ҳал этиш планлаштириляпти. Ишлаб чиқаришни автоматлашган усулда бошқаришга катта эътибор берилмоқда. Биз ҳозирги босқичда ишлаб чиқариш раҳбарларининг (мастердан директоргача) ахборотга бўлган эҳтиёжини ахборотларни автоматлашган усулда йиғиш ва қайта ишлаш шароитидагина қондириш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Бу бошқарув бўйича асосли қарорлар қабул қилишнинг зарур шартидир. Шу борада АСУП ишончли ва ўзгармас қуролдир.

— Корхона фаолиятидаги муваффақиятлар ишлаб чиқаришнинг техник жиҳозланганлиги, унинг техник даражаси, меҳнатни ташкил этиш формаси, маданият, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва ўқитиш билан бевосита боғлиқ. Сизда бу масалалар қандай ҳал этиляпти?

—Бу масалалар фан-техника ва социал-иқтисодий ривожланишнинг комплекс плани асосида ҳал этиляпти. Бу планлэр ҳар йили беш йиллик план асосида ишлаб чиқилади.

Бирлашма мутахассислари мунтазам илғор корхоналарнинг тажрибасини ўрганишади, меҳнат ва моддий маблағларни тежаш резервларини қидиришади. Коллектив фан-техника тараққиёти ютуқларини жорий этишда маълум тажриба тўплади, мамлакатдаги 30 дан ортиқ илмий ташкилот билан мустаҳкам ижодий алоқа ўрнатган.

— Бу ҳамкорлик бўйича аниқ мисоллар келтирсангиз.

— «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ва трактор ҳамда қишлоқ хўжалиги машинасозлиги илмий-тадқиқот институти билан ҳамкорликда 11 та автоматлашган линия жорий этилди. Улар саноат роботлари билан жиҳозланган. Трансмиссия корпусини ишловдан чиқариш бўйича комплекс механизациялашган линия, тунука прокатни профиллаш бўйича автоматик линия ва бошқалар ишга туширилди.

Роботлаштирилган участкада рақамли бошқариладиган программали 40 станок ишлаяпти. Уларга 22 та робот хизмат кўрсатмоқда ва автоматик қайта созланадиган линияга бирлаштирилган. Бу линияларда 14 та деталь ишловдан чиқарилади. Ҳар бир робот иккитадан тўрттагача одамни меҳнатдан озод қилиш имконини берди.

— Қўл меҳнатини механизациялаш бўйича қандай ишлар қилинаяпти?

— Бизда ҳар йили 60 та ускуна модернизация қилинади. Цехларда олов билан ишлайдиган печлар ўрнига 9 та темирчилик-рессор автоматик пайванд этувчи линия; транспортер мураккаб детали трансмиссия корпусини ловдан чиқариш бўйича поток механизлашган линия ишлаб турибди.

— Айтингчи, меҳнатни ташкил этиш бригада методи қандай қилиб кенг этиляпти? Унинг самарадорлиги ҳақида ширинб берсангиз.

— Бугунги кунда заводда ишчиларнинг проценти 455 бригадага бирлашган. Бригадан ортиғи комплекс узлуксиз бригадалардир. 359 бригадада иш ҳақи меҳнат иштироки коэффициентига биноан тақсимланади. Бригада хўжалик ҳисобининг асосий этилиши маҳсулот ишлаб чиқариш, унинг фатини яхшилашда, меҳнат унумдорлигини ўстиришда, моддий ресурсларни тежашда сарфлашда ишчиларнинг ижодий активлиги ва моддий манфаатдорлигининг ўсишига дам бераяпти.

— Меҳнатни ташкил этишнинг бу формаси корхонага нималар берди?

— Дастлаб бригадаларда иш ҳақи 15 процент юксалгани ҳолда, меҳнат унумдорлиги 4—5 процент ўсди. Завод бўйича бу формасини жорий этиш ҳисобига ишлаб чиқариш ва меҳнат интизоми яхшиланди. Кадрлар қўнимсизлиги 25,6 процентдан 5 процентгача натижасида вақт йўқотиш 57 процентга камайди. Александр Белкин, Екатерина Катогоров бошлиқ коллективлар энг комплекс узлуксиз бригадалардир.



Амалиёт билан алоқада

Ж. МУСАЕВ,
Ўсимликлар экспериментал биология институтининг директори, биология фанлари доктори.

— Пахта — Ўзбекистоннинг асосий ҳосилидир. Табиийки, республикада ишловчи бир киши пахта билан нафас олади. Ҳар майдонларда юқори ҳосил берадиган навларни экилишини истайди. Қишлоқ хўжалигида ҳозир қандай янги навлар кўлланяпти?

— Республика пахта майдонларида «Тошкент—1», «АН—402», «Самарқанд—3», шунингдек, «Самарқанд—2», «Октябрь—6Л», «АН Бойовут—2», «Ўзбекистон—3» ва баъзи бошқа навлар экилган. Умуман бизнинг селекциямиз навлари салкам бир миллион гектар майдонга ишғол этади. Бу навларнинг ҳар бири турли шароитларга, касалликларга, ҳашаротларга турли чидамлилиги ва бошқа фазилатларга эга. Олимлар ўз куч-ғайратларини фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини янада мустаҳкамлашга сафарбар этмоқдалар.

— Айтишингизга қараганда, пахта навларини тобора яхши бўлиб боряпти, шундайми? Буни нега пахта плани қийинчилик билан бажарилаяпти?

— Сиз бу саволни менимча масалага фақат бир томонини кўзда тутиб берилган, яъни селекциячиларга. Очиғини айтганда, бу борадаги иш осон эмас. Агар табиат бизнинг фазилатларга эга бўлган бирғина навни яратиб берганда эди, бу масала билан шуғулланувчи барча илмий-тадқиқот институтларнинг ҳам кераги йўқ эди, у ерларда ишлаб чиқилаётган олимларни эса бошқа ишга юборган мумкин бўлар эди. Чигитнинг янги навларини яратишни тезлаштиришга ирсият билан генетик инженерлик, генетик биологияни ривожлантириш ердам беради.

— Ингичка толали пахтани етиштириш тиқболи қандай? Бу борада нималар қилиб тутиляпти?

— Ингичка толали навлар келгусида ривож топади. Туркманистон ССРда ингичка толали пахта навлари селекцияси ва уруғчилиги институтини ташкил этилиши бунинг далолат бериб турибди.

Бу йўналишда Зайцев номидаги селекция ва уруғчилик институтида қизиқарли ва тадқиқотлар олиб бориляпти. Ҳозир бу институтнинг олимлари бу борадаги изланишларини доирасини кенгайтиришмоқдалар. Негаки, ингичка толали экиш учун майдонлар келгусида янада кўпаяди.

— Пахтани йиғиб-териб олишни механизациялаш, қўл меҳнатини қисқартириш борасида нималар қилиняпти?

— Афсуски, ҳозирги мавжуд пахта терувчи машиналари муайян даражада тола сифатини пасайтириб юбормоқда. Шунинг учун ҳам барча ҳосилни машиналарда териб олишга ўйламоқдалар. Ҳозирги вақтда институтимиз да янги пахта териш машиналарининг экспериментал намуналари синаб кўрилмоқда. «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лашмасида яратилган бўлиб, толанинг сифатини пасайтирмайди. Ҳозирги пайтда умидбахшдир.

— Илғорлари навларнинг толаси дағал бўлади. Ҳосилдорлик ҳам юқори эди. Бунинг сабаби нимада?

— Масалани бундай қўйиш нотўғри. Биз навлар эскиргани учун мутлақо олиб ташламаяпти. Объектив сабабларга кўра янги навлар жорий этиляпти. Биология ва хўжалик фанининг назарий асослари ривожлантира бориб, олимларимиз пахта ўсимлигининг ривожланишига оид янги-янги сирларни очишга ихтироларни изламоқдалар. Ўз ихтироларини ишлаб топмоқдалар. Уз ихтироларини ишлаб чиқаришга актив жорий этмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотларида

Ижодий план асосида

Коммунистлар активлигини оширишда уларнинг шахсий ижодий план асосида иш олиб боришлари муҳим аҳамият касб этади. «САОгидропроект» институти партия ташкилотида бу борада бир қанча ибратли тадбирлар амалга ошириляпти. Коммунистларнинг ижодий активлигини оширишда, коллектив ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни кучайтиришда шахсий ижодий планлар структурасининг ишлаб чиқилиши ижобий роль ўйнамоқда.

Бу ердаги лойиҳа-смета ишларининг самарасини оширишга ёрдам берувчи восита, усул ва нормативларни ишлаб чиқиш коммунистларнинг шахсий мажбуриятларидаги энг муҳим талаблардан биридир. Коммунистлар объектларнинг смета қийматини камайтириш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқишяпти, сиёсий ва иқтисодий таълим системасидаги машғулотларда, пропаганда ва идеология ишларида қатнашишяпти. Коммунист, инженерлик геологиясининг бош мутахассиси Элеонора Количко коммунистлар ўртасида социалистик мусобақани ташкил этишда ва уларнинг активлигини оширишда жонкуярлик кўрсатмоқда. Бу ерда ҳар бир коммунистнинг ўз шахсий ижодий планларини, партиявий топшириқларини қандай бажараётганлигини назорат қилиш пухта йўлга қўйилган.

Шахсий намуна кучи

Коммунист, слесарь С. Пашнин бундан икки йил муқаддам қолоқ участкага ўтказишларини сўраган эди. Экспериментал механика заводи партия бюроси унинг бу илтимосини қондириб, айни пайтда уни ишлаб чиқариш бригадасининг партия ташкилотчиси қилиб тасдиқлади. Ҳар бир киши қалбига йўл топиш, коллектив аъзоларининг фикри билан ҳисоблашиш ташаббусларни ривожлантиришга ёрдам бермоқда. Ҳозир С. Пашнин коллектив ўртасида қизғин оммавий-сиёсий ишлар олиб бормоқда. КПСС Марказий Комитетининг апрель (1984 йил) Пленуми қарорларини коллектив ўртасида кенг тушунтириб, коммунистларни янги марраларга чорламоқда. Сўз билан иш бирлиги—коммунистнинг муҳим хислатидир. Социалистик мусобақада намуна бўлиш, мавжуд камчилик ва нуқсонларга муросасизлик, зарбдор меҳнат билан бошқаларни ўз ортидан эргаштириш бу коммунистга муносиб обрў-эътибор келтирмоқда.

БИЛДИРИШ

Лекция пропагандасида пропагандаиинг техник воситаларини қўлланиш методикаси факультети тингловчилари диққатига.

29 май соат 17.00 да Лекторлар уйида (Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспекти, 13-уй) «Пропагандаиинг техник воситалари қўлланилган лекция сценарийсини тузиш методикаси» мавзуида лекция ўқилади. Лектор — тарих фанлари кандидати Ф. Горева.

Ўзбекистон ССР «Билим» жамияти правленнеси методика бўлимининг мудири С. Ситникова диапозитивларни мустақил тайёрлаш бўйича амалий машғулот ўтказади.

Ўзбек тилида халқаро мавзуларда лекция ўқувчи лекторларни тайёрлаш факультети тингловчилари эътиборига.

30 май соат 17.00 да Билимлар уйида (Озиқ-овқат проспекти — халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасининг мавзуида лекция ўқилади. Лектор — филология фанлари доктори Р. Расулов.

Иккинчи лекция «Ислом социалистик социал асослари ҳақида. Лектор — тарих фанлари кандидати Масалиев.

2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

28 МАЙ, 1984 й.

Адабиёт ва санъат

МАҲОРАТ КЎРИГИ

• СЎЗ—ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА

ДЎСТЛАР УЧРАШУВИ



Розалия ЭНГАЛА, режиссёр, Уганда.

— Мен кўпдан буён Тошкент фестивалларида иштирок этишни орзу қилардим. Мана ниҳоят бир Ўзбекистон пойтахтида ўтаётган ана шундай обрўли кинематографчилар анжуманининг қатнашчиси бўлиб турибман. Бу ерда биз — Африка қитъасидаги ўнлаб мамлакатларнинг муштарак манфаатлари кино намояндалари бир-биримиз билан учрашиш имкониятига эга бўлдик. Бу Африка қитъаси продюссер кино арбобларининг ижодий услубларини такомиллаштиришда, экран санъатини тараққиётга хизмат қилдиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда кино ва телевидение нисбатан анчагина ёш. Шунинг учун ҳам биз Совет Иттифоқи каби ривожланган мамлакатлар телевидение ва кино арбоблари тажрибаларидан баҳраманд бўлишга интиламиз. Бу жиҳатдан Тошкент фестивали биз учун катта ижодий мактаб бўлмоқда. Бу ерда ўзаро фикр алмашув ва самарали иш олиб бориш учун барча шароитлар яратиб берилган.

Биз ўз ҳамкасбларимиз билан Халқаро Тошкент кино байрами кунлари бир қатор тадбирларда, шу жумладан Африка озодлик кунига бағишланган шаҳар жамоатчилиги вакиллари йиғилишида иштирок этдик. Уч қитъадаги кўплаб мамлакатларнинг фестиваль экранига тавсия этган фильмларини томоша қилдик. Биз «Тинчлик, социал-тараққиёт ва халқлар озодлиги учун!» шиори остида иш олиб бораётган навбатдаги халқаро Тошкент фестивалига ўз фильмларимизни олиб келиш ниятидамиз.



Юқоридаги суратда Халқаро кино байрамида иштирок этаётган туркманистонлик кино усталари онласини кўриб турибсиз. Кинорежиссёр Х. Норлиев ва киноактриса М. Аймедовалар ўз ўғлини ҳам кино байрамига олиб келишган; пастда— фаластинлик экран усталари.



Ёш ижодкорлар анжумани

Москвада Бутуниттифоқ ёш ёзувчилар семинар кенгаши ўз ишини тугаллади. Унда ўзбекистонлик ёш ижодкорлардан 15 киши иштирок этди. Биз делегация раҳбари, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи ёшлар билан ишлаш кенгаши раиси, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати шоир Эркин ВОҲИДОВдан ана шу анжуман таассуротларини гапириб беришини сўрадик.

— 15—21 май кунлари Москвадаги «Орлёнок» меҳмонхонаси ва «Молодая гвардия» нашриёти биносида Бутуниттифоқ ёш ёзувчилар семинар-кенгаши бўлиб ўтди, — дейди Э. Воҳидов. — Бу анжуман мамлакатимизда бошловчи ижодкорларга катта ғамхўрлик қилинаётгани, уларга қандай имкониятлар яратилаётганлигини яна бир бор намойиш этди. Ўз навбатида адабиётимизга истеъдодли, давримизнинг долзарб муаммоларини кўтариб чиқаётган, инсон қалби тераниликларини тадқиқ этаётган ёш ижодкорлар кириб келаётганлигини ҳам кўрсатди.

Семинар-кенгаш ш д а мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган 400 дан ортиқ ёш ёзувчи, шоир ва танқидчилар иштирок этдилар. Унда Бутуниттифоқ ленинчи Коммунистик ёшлар союзи, СССР Ёзувчилар союзи раҳбарлари иштирок этдилар. Семинар-кенгашни СССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Г. М. Марков очди. Шундан кейин ёш ижодкорлар секцияларга бўлиниб, семинар машғулотларида иштирок этдилар. Бу семинарлар юксак талабчанлик руҳида, қизғин мунозараларда ўтди. Ёшлар ижоди ҳақида фойдали фикрлар, айрим танқидий мулоҳазалар айтилди. Лекин семинар қатнашчилари орасида тасодифий кишилар йўқлиги алоҳида таъкидланди. Семинарларга А. Дементьев, В. Костров, В. Тельпугов, А. Салинский, Л. Ленч, Д. Гранин ва бошқа таниқли адиблар ҳамда танқидчилар раҳбарлик қилдилар. Машғулотларда ҳар бир семинар қатнашчисининг асари атрофлича муҳокама қилинди ва шу асосда фикр билдирилди. Ўзбекистонлик ижодкорлардан олти кишининг асарлари айниқса юксак баҳога сазовор бўлди. Ёш шоир ва ёзувчилардан Х. Султонов, Қ. Раҳимбоева, А. Юнусов, Ҳ. Исмоилов, Ш. Бошбеков, В. Соколовларнинг ижоди кўпчиликда яхши таассурот қолдирди. Шунингдек, Р. Отаев, А. Мамарасулов, К. Алламбергеновларнинг шеър ва ҳикоялари ҳам Бутуниттифоқ газета ва журналларида чоп этишга тавсия этилди.

Семинар-кенгаш ёш ижодкорлар учун ҳам имтиҳон, ҳам байрам бўлди. Уни тўла асос билан авлодлар учрашуви ҳам деб аташ мумкин. Чунки тажрибали совет адиблари ёшларга сабоқ бердилар, маҳорат сирларини ўртоқлашдилар. Ҳеч шубҳа йўқки, бу анжуман ёшлар адабиётининг янада юксалишига хизмат қилади.



● Москва. VIII Бутуниттифоқ ёш ёзувчилар семинар-кенгашида.

БИР ЛАҲЗАЛИК ЗУЛМАТ

(ЧИЛИ КИНОСИ ҲАҚИДА)

«Сантьяго узра ёмғир» бу қисқа сўзлар 1973 йилнинг 11 сентябрь эрта тонгида бир неча марта такрорланди. Диктор айтилган бу хабар харбий хунтанинг Чили тўнтаришига берган сигнали эди. Орадан бир неча йил ўтгач конгресс Пиночетнинг бу пайтдаги машҳур харбий министр, собиқ президент Сальвадор Альенденинг энг яқин дўстларидан бири Эльсо. Сото муҳожирликда Болгария ва Германия Демократик Республикаларида яратган кинематографчилари билан ҳамкорликда яратган «Сантьяго узра ёмғир» фильми асосини ташкил этди.

Сотонинг «Сантьяго узра ёмғир» фильми бир кунлик воқеаларни ўз ичига қамраб олади. Экранда президент Сальвадор Альенде, унинг қизи, журналист Аугусто Оливарес, умр йўлдоши ва бир неча кабинет министрлари... Сото ўз фильмида революциянинг мағлуб бўлиши сабабларини ҳам қидиради. Бу фильм Чили ватанпарвар киносанъаткорларининг муҳожирликда яратган энг йирик фильмларидан бири ҳисобланади.

Шу кунларда элликдан ортиқ ватанпарвар Чили киносанъаткорлари турли давлатларда, турли шароитда ижод қилмоқдалар.

Шу ўринда Мигель Лотиннинг «Бу Марусия конда рўй берган эди» фильми характерлидир. Бу фильм Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларининг IV Халқаро Тошкент кинофестивалида СССР Кинематографчилар союзининг мукофоти ва диплом билан тақдирланган.

Чили ватанпарвар кучларининг киноси ҳақида гап кетганда Иттифоқимизда яшаб ижод қилувчи Себастьян Аларкон ижодига алоҳида тўхтаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Бутуниттифоқ Кинематография институтини тугатган Себастьян Аларкон ўз ижодини ҳужжатли фильмлар яратишдан бошлаган эди. Унинг «Биринчи саҳифа» ҳужжатли фильми Финляндиянинг Тампере шаҳрида ўтказилган кинофестивалда бош совринни, Ғарбий Германиянинг Оберхаузен шаҳрида махсус соврин ва Лондонда биринчи даражали диплом билан тақдирланган.

1977 йили мамлакат экранларига унинг «Чили узра тун» бадиий фильми чиқарилди. Бу фильм Пиночет томонидан Халқ Бирлиги ҳокимияти ағдарилган ва президент Сальвадор Альенде ўлдирилган 1973 йил сентябридаги қонли воқеаларни акс эттирган биринчи бадиий фильмдир. Бу картина У Халқаро Тошкент киноанжуманида зўр муваффақият билан намойиш этилган эди. Шунингдек бу фильм Х Москва Халқаро кинофестивалининг махсус совриви билан тақдирланган.

Себастьян Аларконнинг «Кондорнинг ҳалокати», «Санта Эспераса» ва бошқа фильмлари VIII Тошкент фестивали кино бозорида намойиш этиляпти. Фестиваль экранида расмий намойиш қилинаётган «Кураш давом этади» ва бошқа картиналарда ҳам Лотин Америкаси халқларининг озодлик кураши тасвирланган. Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан Ватанпарвар кучларнинг ижодий ишларига раҳнамолик қилмоқда. Ватанпарвар Чили кинематографчилари Лотин Америкаси мамлакатларида ўз киноинститутларини очиб, умумбашарий ишга ўзларининг муносиб улушини қўшмоқдалар.

Чили тақдирига фақат ватанпарвар Чили кино усталаригина эмас, балки Перу, Боливия, Куба, Панама, Мексика, Португалия, Венесуэла, ГДР, Франция, Бразилия, Польша ва Совет Иттифоқи кинематографчилари ҳам жиддий эътибор қаратишмоқда. Чили ватанпарварлари бир кунмас-бир кун ўз динёри устида ҳам ҳақиқат қуёши ўзининг заррин нурларини сочишига ишонадилар. Улар шу мақсад йўлида жипслашиб курашмоқдалар.

Э. ИСМАТУЛЛАЕВ.

• *Ботунинг 80 йиллигига*

ЎТ ЮРАК САДОЛАРИ



Боту атиги 36 йил умр кўрди. Аммо шу қисқа умрини у ниҳоятда мазмунли, самарали, ўтли-шудли яшади. Шундай яшадики, у фақат адабиётимизнинг эмас, балки янги ўзбек совет маданиятимизнинг пойдеворини қўйган арбоблардан бири бўлиб қолди.

Боту 15 ёшидан бошлаб бадиий ижод билан шуғулланган. У «Умид учқунлари» (1925) ва «Тўлқин товушлари» (1929) номли икки шеърий тўплам муаллифидир. Бу китоблар 20-йиллар ўзбек шеъриятида алоҳида ўрин тутади. Ана шу икки тўплам муаллифи Москвада 30-йиллар арафасида нашр этилган «Адабиёт энциклопедияси»да «замонавий» ўзбек шоирларининг энг йириги ва машҳуридир» деб таърифланган эди. Боту шеърларидаги лирик қаҳрамон— Улуғ Октябрь инқилоби тарбиялаб воя етказган янги дунёқарашли, янги маънавий табиатли инсон. У —оддий меҳнаткаш халқ вакили, аммо «тенгсиз исёнлар даври»нинг фарзанди. Пролетариат, ишчилар синфининг идеаллари — унинг байроғи. Актив революцион руҳ, оптимистик, ҳаётбахш кайфият —Боту шеърларининг ҳарорати, пафосини белгилайди. У ўзбек адабиётида сиёсий лирика жанрининг шаклланишида ва ривож топишида муносиб хизмат қилган қалам соҳибларидан биридир. Боту революцияни асрлар давомида ғафлатда яшаган кишиларни оёққа турғизгани, «энг сўнгги курашга тур, ерли!» деб ҳайқиргани, актив инсон бўлиб яшашга даъват этгани учун олқишлайди. У янги ҳаёт душманларини, уларнинг жирканч, тубан мақсадларини фош этади. Шоир «қора турмуш чангалидан қутулиб, эрк чечаги тақа олган» хотин-қизларнинг бахтини, янги тақдирини самимий олқишлайди.

Боту йирик шеърий формаларда ҳам ижод этган. Ўзбек поэма жанри тараққиётида унинг «Синфлар қураши», «Тоғ қизи», «Биринчи хат» сингари достонлари муносиб ўрин тутади. Бу асарларда шоир 20-йилларнинг муҳим мавзуларини қаламга олади, уларда янги инсонни, социализм ғалабалари учун курашни, халқлар дўстлиги ғояларини тараннум этади.

Боту фақат шеърий соз ила янги ҳаётга ўз ҳамнафаслигини ифодалаш билан чекланиб қолмади. Балки социалистик воқеликнинг ғалабаси учун амалий курашда фаол қатнашди. У ўз даврининг етук зиёлиларидан бири эди. Боту Москвада, университетда таълим олди. Шу ерда Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Студентлик йилларидаёқ актив ижтимоий фаолият билан шуғулланди. Пойтахтдаги ўзбек драмстудиясида, бу ерга ташриба оширгани келган ўзбек театр мухлисларига ўзбек драматургиясидан биринчи бўлиб ўз асарларини ўқиб берди. Ўзбек адабиётининг ривожланишида, ёзувчилар ўртасида ижодий муҳокама қилишда Боту ташаббускор эди. Ўзбекистонда ташкил этилган биринчи ёзувчилар уюшмасининг раиси Ғ. Ғулом, Ҳ. Олимжон, Ойбек, Ғ. Шукур, Ҳ. Ғулом, Ҳ. Назир, Ҳ. Раҳим, Ш. Шоҳмуҳамедов, Ш. Рашидов, Ш. Бошбеков, Ҳ. Исмоилов, Ш. Ёқубов, Ш. Ёқубов, Ш. Ёқуб

«СОЮЗБИТХИМ»»
БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ҚАДОҚЛАШ УСКУНАЛАРИНИНГ ТАЖРИБА-КОНСТРУКТОРЛИК ВА ТЕХНОЛОГИЯ БЮРОСИ

чизмачи-конструктор ихтисоси бўйича ўрта маълумотли қиз-йигитларни, шунингдек, 8—10 синф ҳажмида маълумотлиларни токарь ва фрезерчи ихтисоси бўйича

УҚИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Ўқиш даврида тариф ставкасига мувофиқ ҳақ тўланади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Б. Хмельницкий кўчаси, 77-уй (14, троллейбус, 40, 45, 50, 67, 77-автобусларнинг «Салор» бекати).

Тошкент шаҳар Куйбишев районидаги 148-мактаб томонидан **Ёқубова Азиза Қодировна** номига берилган 614012 номерли йўқолган ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Чилонзор район ошхоналар трести савдо— тайёрлов базасининг йўқолган 8-ЭКСПЕДИТОРЛИК ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Куйбишев райпишчеторги 45-магазинининг йўқолган ШТАМПИ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИДА

5—6 ОЙ ИЧИДА
СОТУВЧИЛИК КАСБИНИ ЭГАЛЛАШ МУМКИН

Мактаб-магазинга 17 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўрта маълумотли тошкентлик қизлар қабул қилинади.

Ҳар ойда 52 сўмдан 63 сўмгача стипендия берилади.

Мактаб-магазинини битирганларга саноат молларининг кичик сотувчиси ёки контролёр-кассир малакаси берилиб, улар Тошкент шаҳридаги савдо корхоналарига ишга юборилади.

Курсларга кириш учун қуйидаги ҳужжатларни топшириш лозим: мактаб-магазин директори номига ёзилган ариза, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, мактабдан характеристика, 2 дона 6x9 см. ҳажмдаги ва 2 дона 3x4 см. ҳажмдаги фотосурат, меҳнат дафтарчаси, агар бўлса).

Паспорт шахсан кўрсатилади.

Ҳужжатлар ҳар куни (якшанбадан ташқари) **соат 10 дан 18.00 гача қабул қилинади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, 10-квартал, 15-уй (18, 20, 50, 54, 70, 75, 79-автобуслар, 6, 11, 13, 19-троллейбусларнинг «Шуҳрат» мактаб-магазини» бекати, метронинг «Чилонзор» станцияси).

«ШУҲРАТ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ
(телефон 76-39-54).

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Узбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-24).

ТУРИЗМ ВА ЭКСКУРСИЯЛАР БЎЙИЧА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКА СОВЕТИНИНГ ТУРИСТИК-ЭКСКУРСИЯ ПУТЁВКАЛАРИНИ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ БЮРОСИ

«НОВИКОВ — ПРИБОЙ» ТЕПЛОХОДИДА

ДОН ва ВОЛГА дарёлари бўйлаб РОСТОВ—ВОЛГОГРАД—САРАТОВ—ГОРЬКИЙ—МОСКВА—РОСТОВ маршрути бўйича қизиқарли саёҳатга

ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Саёҳат давомида туристлар қадимги рус шаҳарлари: УГЛИЧ, ЯРОСЛАВЛЬ, КОСТРОМА, ГОРЬКИЙ, ҚОЗОН, САРАТОВ билан танишадилар.

Ўқув ва музика салонлари, киноконцерт зали, буфетлар, бар ва сайр қилиш террасалари туристлар ихтиёрида бўлади. Теплоходнинг ажойиб безаклар билан жиҳозланганлиги ва сунъий микроиқлим қулайликнинг энг юксак талабларига жавоб беради.

Путёвка баҳоси каюталар категориясига кўра 500 сўмдан 540 сўмгача. Саёҳат 20 кун давом этади.

Путёвка баҳосига — ресторанда уч маҳал овқатланиш, экскурсия хизмати кўрсатиш ва путёвка баҳосига мос равишдаги каютада яшаш ҳақи киради.

10 ёшдан катта бўлган болалар учун путёвкалар мавжуд ҳолда улар ота-онаси билан теплоходга чиқарилади.

Бюро 8, 28 июндан, 27 августдан ва 16 сентябрдан саёҳатга чиқиш учун путёвкаларни тавсия этади.

Бюро дам олиш кунисиз соат 9 дан 21.00 гача ишлайди. Телефон 66-26-41.

Путёвкалар олиш учун қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Луначарское шоссеси, 115-уй (метронинг «М. Горький» станцияси).

124-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1984—85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

СЕКРЕТАРЬ-МАШИНИСТКА, СЕКРЕТАРЬ-СТЕНОГРАФИСТКА, ИШ ЮРИТУВЧИ, ЧИЗМАЧИ-КОНСТРУКТОР, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ОПЕРАТОРИ, ЭЛЕКТРОН-ҲИСОБЛАШ МАШИНАЛАРИ ПРОГРАММИСТИ, УПИН АВТОМАТЛАРИ МЕХАНИГИ.

Ўқиш муддати барча ихтисосликлар бўйича: 8 синфдан кейин 3 йил, 10 синфдан кейин 1 йил.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 30 сўм миқдорида стипендия билан таъминланадилар.

Ўқишга кириш учун қуйидаги ҳужжатлар керак: аттестат, (тўлиқ маълумот тўғрисида), 8 синфни битирганлар учун 8 синфни тугатганлик тўғрисида гувоҳнома; характеристика, 4 дона фотосурат (3x4 см.), справкалар: медицина (286-форма), турар жойидан, ота-онасининг бирортаси иш жойидан; паспорт, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, директор номига ёзилган ариза.

Адрес: Тошкент шаҳри, 84-алоқа бўлими, Киров районн, Хуршид кўчаси, 45-уй (14, 44, 56, 88-автобусларнинг «Семашко номли институт» бекати).

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг Тошкент шаҳридаги 2-пойафзал фабрикаси базасидаги
149-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1984-85 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: бичувчи (пойафзал деталлари бўйича), **заготовшик** (пойафзални устки деталларини тикиш), **пойафзални якка буюртма ҳолида тайёрловчи, саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи ремонтчи-слесарлар, ОТК контролерлари.**

Ўқиш муддати 1 ва 2 йил.

Машғулотлар 1 сентябрдан бошланади.

8—9—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўрта маълумот билан билим юртига ўқишга кирганларга ҳар ойда 30 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8-синф ҳажмида ўқишга кирганлар эса, давлат таъминотида бўлиб, кийим-бош ва кунига 3 маҳал овқат билан таъминланади.

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ишлаган иш ҳақининг 50 процентн берилади. Билим юрти қошида кечки мактаб мавжуд. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига йўлланма билан юборилади.

Билим юртида қуйидаги тўгараклар мавжуд: тикиш ва бичиш, тўқиш, кино-фото, миллий чолғу-асбоблар бўйича ва спорт секцияларн мавжуд.

Ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари керак: директор номига ариза, маълумоти ҳақида ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, саломатлиги тўғрисида (286-форма) справка, 4x3 см. ҳажмида 6 дона фотосурат, ўқиш ёки иш жойидан справка ёки характеристика.

Ҳужжатлар (якшанбадан ташқари) **барча кунларда соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор район, Домбробод массиви, Наққошлик кўчаси, 199-уй. Телефон: 76-77-45 (троллейбус 16, 123-автобуснинг «Домбробод» бекати, метронинг «Собир Раҳимов» станцияси.

ЁЗ ФАСЛИНИНГ ЖОЗИБАЛИ МАНЗАРАСИ

Дарёлар, ўрмонлар, чаман бўлиб яшнаган ўтлоқлар... Болалар ёзги дам олиш чоғида пионер лагерига боришганида, туристик сафарга чиқишганида ёки қишлоқда бўлишганида жуда кўп қизиқарли табиат лавҳаларини расм қилиб чизишади.

ҲУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Фарзандларингиз сафарга тараддуд кўраётган чоғида рюкзакка расм чизиш учун альбом, ёзувлар учун ён дафтарларни солишни унутмангиз! Расмли лавҳалар ва кундалик хотиралар қувноқ ёз ҳақида энг яхши хотиралар бўлиб қолади, мактабда ўқиш чоғида «Мен ёзни қандай ўтказдим» мавзусида иншо ёзилаётганда жуда ҳам қўл келади.

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ»
ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИНИНГ МАГАЗИНЛАРИДА

сиз сафар чоғида керак бўладиган қуйидаги буюмларни сотиб олишингиз мумкин: чизмачилик ва расм альбомлари, блокнотлар, ён дафтарлари, умумий ва ўқувчилик дафтарлари, шунингдек ўқувчилик ашёлари, турли хил шаклларни ясаш учун керак бўладиган қоғозлар, картонлар.

МАГАЗИНЛАРНИНГ АДРЕСИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:

«Болалар дунёси» — Октябрь бозори;
1 — Марказ-1 квартали, 4-уй;
2 — Марказ-2 квартали, 5-уй;
3 —Луначарское шоссеси, 76-уй;
4 — Фарҳод ярмаркаси;
5 — Сергели ярмаркаси;
6 — Большевик кўчаси, 6-«а» уй.



«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» ЧАКАНА-САВДО ФИРМАСИ (телефон 42-56-43).

ЮҚОРИ САМАРАЛИ КИР ЮВИШ ПОРОШОГИ



«ЭРА-А» КИР ЮВИШ ПОРОШОГИ БИЛАН
ЮВИЛГАН ИЧКИ КИЙИМЛАР
Чунки бу кир ювиш порошокларининг таркибида махсус оқартирувчи моддалар бор.

Порошок ип газламали ва канопли газламалардан тайёрланган. Шундан кейин кийимларни синкалашга ҳожат қолмайди, қаттиқ ва денгиз сувида бемалол ювилади.

БИРОРТА ДОҒ ҚОЛМАЙДИ

«БИО-С» порошоги билан ювилган кийимларда бирорта ҳам доғ қолмайди, чунки уларнинг таркибида биологик моддалар қўшилган.

Агарда кийимларни«БИО-С» порошоги билан олдиндан бўктириб қўйсангиз унинг самараси янада ошади. Бу порошок ёрдами билан ип-газлама, каноп, синтетик газламали буюмларни бемалол ювиш мумкин.

«ОКА» ПОРОШОГИНИНГ ФАЗИЛАТИ

Кам кўпирадиган «ОКА» порошоги ички кийимларни яхши ювади. Чунки унинг таркибига биологик моддалар қўшилган. Бу порошок каноп, ип-газлама ва сунъий газламали буюмларни ювиш учун мўлжалланган.

ТАКОМИЛЛАШГАН «ЛОТОС», «ЛОТОС-АВТОМАТ»—

Ғоятда самарали кир ювиш воситалари бўлиб, ҳар қандай газламалар (шойи, жун, сунъий ва синтетик, ип-газлама ва каноп) буюмларни ювиш учун қўлланилади. Айниқса бу порошок машинада кир ювишда жуда қўл келади. Чунки у кам кўпиради.

ХЎЖАЛИК МОЛЛАРИ МАГАЗИНЛАРИ ВА БЎЛИМЛАРИДА

«ЭРА-А», «БИО-С», «ЛОТОС», «ЛОТОС-АВТОМАТ», «ОКА» ПОРОШОКЛАРИ СОТИЛМОҚДА.

«УЗБИТХИМ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ (телефон 91-49-43).

САЁҲАТ СЎҚМОҚЛАРИ ЧОРЛАЙДИ...

Жонажон она-ўлка бўйлаб саёҳат чоғида, ўзининг дам олиш вақтини табиатнинг сўлим қучоғида ўтказишни ким севмайди дейсиз. Бунинг учун сафар анжомларини ҳозирлайдиган вақт етиб келди.

Чодирлар (икки, уч ва олти ўринли) ва синтетик газламадан тикилган сиғимдор, енгил рюкзаклар, туристик сафар чоғида бебаҳо асқотадиган ухлаш қопларн. Футбол ёки волейбол тўпини ўзингиз билан бирга ола кетишни ҳам унутмангиз.

Сувда сузиб саёҳат қилишни афзал кўрадиган кишилар учун металл, пластмассали, ёғочли, резинали газламадан ишланган қайиқлар ҳам керак бўлади. Уларнинг айримларини «Вихрь» мотори билан ҳам янада мукаммал қилиш мумкин.

ДОСААФ ҚАЙИҚ КЕМАЛАРИ, ТУРИСТИК БАЗАЛАР, СПОРТ КОМПЛЕКСЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«УЗСПОРТТОРГ»ИНИНГ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЛАРАРО БАЗАСИДА ТУРИСТИК АНЖОМЛАР ЕТАРЛИ МИҚДОРДА БОР.

«УЗСПОРТТОРГ»НИНГ ҚУЙИДАГИ АДРЕСДА ЖОЙЛАШГАН ХЎЖАЛИК ҲИСОБИДАГИ 3-УЛГУРЖИ МАГАЗИНИГА МУРОЖААТ ЭТИНГИЗ: Тошкент шаҳри, «Ёшлик» спорт аренаси («Пахтакор» метро станцияси олдида).



«УЗСПОРТТОРГ» РЕСПУБЛИКА ИҲТИСОСЛАШТИРИЛГАН САВДО БАЗАСИ (телефон 35-05-13).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН РЕКЛАМА АГЕНТЛИГИ (телефон 45-37-24)

ТВ

душанба

28 МАЙ

● МТ I

ЧЕГАРАЧИЛАР КУНИ

18.30 Ашхобод шаҳар болалар филармонияси скрипкачилар ансамблининг чиқиши.
18.45 «Ишлар ва одамлар». Янги техникани яратиш ва меҳнатни ташкил этишнинг бригада формасини жорий этиш тажрибаси ҳақида.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Сиз яратган боғ».
20.00 «Бугун—Чегарачилар куни». СССР Давлат Хавфсизлик комитети чегара қўшинлари штабининг бошлиғи, генерал-лейтенант Ю. А. Нешумов сўзи.
20.15 Мультфильм.
20.25 «Умидвор бўл». Фильм спектакль премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Умидвор бўл». Фильм спектаклининг давоми.
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 «Футбол шарҳи».

● МТ II

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Глеб». Ҳужжатли фильм.
19.05 Батутда сакраш бўйича халқаро мусобақалар.
19.35 С. Прокофьев. Скрипка ва оркестр ижроси учун биринчи концерт. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
20.00—20.30 «Мен — «Метеор-101». Телефильм.
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 Телевизион бадиий фильм премьераси.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Қўғирчоқ фильм.
18.25 Чегарачилар кунига. «Советский воин». Тележурнал (рус.).
19.10 УзССР ва Узбекистон Компартияси ташкил топганлигининг 60 йиллигига. «Ильич ҳузурига, доҳий ҳузурига». В. И. Ленин Марказий музейидан репортаж (рус.).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Камолат». Леонардо да Винчи.
20.15 «Пилла — бойлигимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Садо» вокал-чолғу ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.20 «Озодлик — нақадар ширин сўз». Бадиий фильм. 1-серия.

● УзТВ II

18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Денов ажойиботлари». «Занданич сири». Ҳужжатли фильмлар «Узбектелефильм».
18.55 Болалар учун фильм. «Диққат, шаҳарда сеҳргар».
19.50 Врач маслаҳати.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чегара шу ердан ўтади». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 1-серия (рус.).
21.30 МТ II

сешанба

29 МАЙ

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Уфқ».
10.50 Ю. Шчербак. «Умидвор бўл». Фильм-спектакль.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик—ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Қайнар булоқ ўлкаси қўшиқлари».
16.30 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?».
17.00 «Бахтли аёл ҳақида фильм». Ҳужжатли фильм.
17.10 «Буратино кўргазмаси».
17.40 «Жўшқин илҳом саҳифалари». М. И. Глинка ижоди ҳақида фильм-концерт.
18.45 В. И. Ленин Марказий музейининг 60 йиллигига.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильм.
19.40 «Мен қўшиққа борлиғимни бахш этдим». Фильм-концерт премьераси.
20.25 «Нима? Қаерда? Қачон?»
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича Европа чемпионати. Ўсмирлар. ГДР—СССР терма командалари. Танаффус пайтида — «Агар соғлом бўлай десанг».
23.35 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15—9.35 «Зудлик билан фикрдошлар керак». Ҳужжатли фильм.
9.55—10.10 «Барча жонли мавжудотлар». Илмий-оммабоп фильм.
11.35 В. Маяковский. «Жуда соз» Поэма.
12.35 «Шахмат мактаби».
13.10 Мактаб ўқувчиларига нон ҳақида.
13.50—14.35 «Билимимиз — қудратимиз».
15.10 Людвиг ван Бетховен. 2-кўрсатув.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Боғлар яшнасин». Илмий-оммабоп фильм.
19.00 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.00—20.30 Волейбол бўйича халқаро турнир. Хотин-қизлар. СССР — Япония терма командалари.
20.45 «...16 ёшгача ва ундан каттапар».
21.30 «Время».
22.00 «Шаҳар товушлари». Етти сериялн телевизион бадиий фильм премьераси). 1- ва 2-серия.
23.40 Камондан ўқ отиш. «Бақор камалаклари» халқаро мусобақалари.

● УзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Болалар учун концерт.
18.45 «Ёшлик» студиясида. «Интернационал лик клуби».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Жаҳон адабиёти дурдоналари». А. Навоий. «Лисон ул-Аброр».
20.30 «Ахборот».
20.50 А. Навоий номли академик Катта театр солистларининг концерти.
21.15 «Мўъжиза-пиёла». Бадиий фильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Агросаноат комплекси: тажриба ва муаммолар».
22.25 «Озодлик — нақадарин сўз». Бадиий фильм. 2-серия.
23.25 Янгиликлар.

● УзТВ II

9.00 —16.15 МТ II
18.25 Кўрсатувлар програм
18.30 «Қизиқувчилар клуби
19.00 Ўқув программаси
19.30 «Самарадорлик, сифат — жамкорлик».
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Чегара шу ердан ўтади». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»). (рус.).
21.30 МТ II

---

4 ТОШКЕНТ БЕТ. ОҚШОМИ
28 МАЙ, 1984 й.

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

ВИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент—ГСП, Ленин кўчаси, 41. Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — шаҳар хўжалиги—32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ—32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ватанпарварлик ишлари—32-53-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

Р—09271. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10